БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗ

САМДУ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ

ЗАМОНАВИЙ ГЕОМЕТРИЯ МОДУЛИДАН ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА

Самарқанд - 2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ

“ЗАМОНАВИЙ ГЕОМЕТРИЯ”

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси йўналиши: Математика

Самарқанд -2021

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “7”-декабрдаги 648-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:
Самарқанд давлат университети Алгебра ва геометрия кафедраси мудири, доцент Ҳ.Рўзимуродов

Тақризчилар:
Самарқанд давлат университети Алгебра ва геометрия кафедраси профессори А.С.Солеев

Ўқув-услубий мажмуа Самарқанд давлат университети илмий-методик кенгаши (2020 йил “28”-декабрдаги 4- сонли баённомаси).

МУНДАРИЖА

I.Ишчи дастур

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон,2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”гиПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамдаинновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдекамалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Мазкур дастур замонавий талаблар ва ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим соҳасида эришган ютуқлар ҳамда орттирилган тажрибалар асосида «Математика» қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши учун тайёрланган намунавий ўқув режа ҳамда дастур мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришда хизмат қилади.

Модулнинг мақсади ва**вазифалари**

“Замонавий геометрия” модулининг мақсади: педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

“Замонавий геометрия” модулининг вазифаларига қуйидагилар киради:

- “Математика” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

-педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

-мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- мутахассислик фанлари соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Математика” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Модул якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

Математика фанлари бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- интеграл ва ўлчов тушунчаларини;
- геометриянинг чизиқли фазо ва чизиқли акслантиришлар ёрдамида баён этилиши, вектор алгебрасидан фойдаланишни;
- математик масалаларни математик тизимларда ечишни ва стандарт функциялардан фойдаланишни;
- математикани ўқитишда унинг татбиқлари билан тушунтиришни, ҳаётий ва соҳага оид мисолларни;
- математик фанларни ўқитишнинг замонавий усулларини ***билиши*** керак.

Тингловчи:

- ўлчовлар назариясидан математика, физика ва биология масалаларида кенг фойдаланиш;
- математик анализнинг биоматематика, механика, оммавий хизмат назарияси, иқтисодий соҳалар ва бошқа соҳаларда кенг қўллаш;
- математик фанларни ўқитишда инновацион таълим методлари ва воситаларини амалиётда қўллаш;
- талабанинг ўзлаштириш даражасини назорат қилиш ва баҳолашнинг назарий асослари ҳамда инновацион ёндашув услубларини тўғри қўллай олиш ***кўникмаларига*** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- ўлчовлар назарияси ва унинг татбиқини турли фазоларда қўллай олиш;
- геометриянинг чизиқли фазо ва чизиқли акслантиришлар ёрдамида баён этилиши, вектор алгебрасидан фойдаланиш;
- математикани ўқитиш инновацион жараёнини лойиҳалаштириш ва ташкиллаштиришнинг замонавий усулларини қўллаш ***малакаларига*** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- математикани ўқитишда фойдаланиладиган замонавий (matlab, mathcad, maple, GeoGebra ва бошқалар) математик пакетларини ўқув жараёнига татбиқ этиш;
- математиканинг хориж ва республика миқёсидаги долзарб муаммолари, ечимлари, тенденциялари асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;
- математикани турли соҳаларга татбиқ этиш;
- олий таълим тизимида математик фанлар мазмунининг узвийлиги ва узлуксизлигинитаҳлил қила олиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар илғор хорижий мамлакатларда биология ўқитишни ташкил қилишнинг хорижий тажрибаларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар. Сўнгги йилларда математика соҳасидаги ютуқлар ва истиқболлар олий ўқув юртларидаги таълим жараёнининг мазмунини бойитишга хизмат қилади.

“Замонавий геометрия” модулининг соатлар бўйича тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Кўчма машғулот
			Жами	жумладан		
				Назарий	Амалий машғулот	
1.	Чизиқли фазо.	**4**	**4**	**2**	**2**	
2.	Евклид фазоси.	**4**	**4**	**2**	**2**	
3.	Псевдоевклид фазо.	**4**	**4**	**2**	**2**	
4.	Гиперболик фазо.	**4**	**4**	**2**	**2**	
5	Иккинчи тартибли сиртлар. Иккинчи тартибли сирт инвариантлари.	**2**	**2**		**2**	
6.	Кўпхилликлар. Кўпхиллик турлари. Кўпхиллик геометрияси.	**2**	**2**		**2**	
Жами:		**20**	**20**	**8**	**12**	**0**

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-Мавзу: Чизиқли фазо.

1. Чизиқли фазо ўлчами. Аффин фазо.
2. Аффин координаталар системаси.
3. Аффин алмаштиришлар ва текисликлари. Бичизиқли форма.

2-Мавзу:Евклид фазоси.

1. Евклид фазосида чизиқ ва сиртлар.
2. Сирт дифференциал геометрияси.
3. Сирт ички геометрияси. Сирт ташқи геометрияси.

3-Мавзу: Псевдоевклид фазо.

1. Сферик фазо.
2. Риман геометрияси.

4-Мавзу:Гиперболик фазо.

1. Ярим Евклид фазолар.
2. Ярим гиперболик фазолар.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

1-Амалий машғулот.Чизиқли фазо.

2-Амалий машғулот. Евклид фазоси.

3-Амалий машғулот. Псевдоевклид фазо.

4-Амалий машғулот. Гиперболик фазо.

5-Амалий машғулот.Иккинчи тартибли сиртлар. Иккинчи тартибли сирт инвариантлари.

6-Амалий машғулот. Кўпхилликлар. Кўпхиллик турлари. Кўпхиллик геометрияси.

II.МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Давра столининг тузилмаси.

Ёзма давра суҳбатида стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози берилади. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра сухбати” методининг тузилмаси келтирилган



“Давра суҳбати” методининг афзалликлари:

- ўтилган материалининг яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча таълим олувчилар иштирок этадилар;
- ҳар бир таълим олувчи ўзининг баҳоланиши масъулиятини ҳис этади;

ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади**“Кейс-стади” методи**

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари.

Иш босқичлари	**Фаолият шакли ва мазмуни**
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

“Ассесмент” методи.

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-МАВЗУ:ЧИЗИҚЛИ ФАЗО

РЕЖА:

1. Чизиқли фазо ўлчами. Афин фазо.
2. Афин координаталар системаси.
3. Афин алмаштиришлар ва текисликлари. Бичизиқли форма.

Таянч иборалар: *Чизиқли фазо, ўлчами,афин фазо, афин координаталар системаси, афин алмаштиришлар ва текисликлари,бичизиқли форма.*

Чизиқли фазо ўлчами. Афин фазо.

Кўп ҳолларда шундай обектлар билан иш кўришга тўғри келадики, бунда уларни қўшиш ва бирор сонга кўпайтириш амалларини бажариш лозим бўлиб қолади. Бир неча мисол келтирамиз.

Геометрияда бундай объектлар уч ўлчамли фазодаги векторлар, яъни йўналишли кесмалардир. Агар йўналишли икки кесмани параллел кўчириш йўли билан устма-уст тушириш мумкин бўлса, улар айни бир векторни аниқлайди деб ҳисобланади. Шунинг учун бу кесмаларнинг ҳаммасини бир нуқтадан бошлаб чиқариш қулай. Бу нуқтани биз координаталар боши деб атаймиз. Маълумки, векторларни қўшиш амали қуйидагичадир: x ва y векторларнинг йиғиндиси деб, томонлари x ва y бўлган параллелограммнинг диогонали ҳисобланади. Векторни сонга кўпайтириш амали ҳам маълум усул биланкиритилади.

1. Алгебрада биз n та сондан иборат $x=\xi_1' e_1 + \xi_2' e_2 + \ldots + \xi_n' e_n$ кўринишдаги системалар (масалан: матрицанинг йўллари, чизиқли форма коэффициентлари, тўпламлари ва ҳ.к.) билан иш кўришга тўғри келади. Бундай системаларни қўшиш ва сонга кўпайтириш амаллари одатда қуйидагичакиритилади: $x=(\xi_1, \xi_2, \ldots, \xi_n)$ ва $y=(\eta_1, \eta_2, \ldots, \eta_n)$ системалар йиғиндиси деб, $x+y=(\xi_1+\eta_1, \xi_2+\eta_2, \ldots, \xi_n+\eta_n)$ системага айтилади.$x=(\xi_1, \xi_2, \ldots, \xi_n)$ система билан λсоннинг кўпайтмаси деб, $\lambda x=(\lambda\xi_1, \lambda\xi_2, \ldots, \lambda\xi_n)$ системага айтилади. Анализда функцияларни қўшиш ва уларни сонга кўпайтириш амаллари тўғрисида т таъриф берилади. Аниқлик учун бундан сўнг $[a,b]$ сегментдаберилган ҳамма узлуксиз функциялартўпламини текширамиз.

Келтирилган мисолларда қўшиш ва сонга кўпайтиришдан иборат худди бир хил амаллар мутлақо ҳар хил объектлар устида бажарилади. Бундай мисолларнинг ҳаммасини бир нуқтаи назар билан ўрганиш учун, биз чизиқли, яъни аффин фазо тушунчасини киритамиз.

1-таъриф. Агар қуйидаги шартлар бажарилса, x,y,z,... элементларнинг V тўплами чизиқли (афин) фазо дейилади:

а) хар икки x ва y элементларга x ва y элементлар йиғиндиси деб аталадиган z элемент мос қилиб қўйилган; x ва y элементларнинг йиғиндиси $x+y$ билан белгиланади;

б) бирор майдоннинг ҳар бир x элементи ва ҳар бир λсон билан x элемент кўпайтмаси деб аталган λx элемент мос қилиб қўйилган.

Бу амаллар қуйидаги талабларни (аксиомаларни) қаноатлантириши керак. $1^0.x+y=y+x$ (коммутативлик), $2^0.(x+y)+z=x+(y+z)$(ассоциативлик), 3^0.Хар қандай x учун шундай 0 элемент мавжудки, x+0=x бўлади. 0 элемент ноль элемент дейилади.

4^0 Хар қандайх учун –x билан белгиланадиган шундай элемент мавжудки, x+(-x)=0 бўлади.

1^0 $1 \cdot x=x,$

2^0 $\alpha(\beta x)=\alpha\beta(x).$

3^0 $(\alpha+\beta)x=\alpha x+\beta x,$

4^0 $\alpha(x+y)=\alpha x+\alpha x.$

Биз қўшиш ҳамда сонга кўпайтириш амалларини қандай таърифланиши ҳақида гапирмаганимиз бежиз эмас. Биз бу амалларни фақат юқорида таърифланган аксиомаларга буйсунишларини талаб қиламиз ҳолос. Шунинг учунҳар қачон юқорида қайд қилинган шартларни қаноатлантирувчи амаллар билан иш кўрар эканмиз, биз уларни қўшиш ва сонга кўпайтириш амаллари деб, элементлари устида бу амаллар бажарилган тўпламни эса чизиқли фазо деб хисоблашга ҳақлимиз. Юқорида келтирилган 1-3 мисоллар бу аксиомаларгабўйсунади.

Яна бир мисол кўриб чиқайлик;

1. Даражаси натурал n сондан ошмайдиган ва одатдагича қўшиш ва бирор сонга кўпайтириш амаллари бажариладиган ҳамма кўпхадлар тўплами чизиқли фазо ҳосил қилади.

Ёлғиз n-даражали кўпхадлар тўплами чизиқли фазо ташкил қилмайди, чунки n-даражали икки кўпхад йиғиндиси n дан пастроқ бўлиб чиқиши ҳам мумкин; масалан, $(t^n+t)+(-t^n+t)=2t$.

Чизиқли фазо элементларини биз *векторлар* деб атаймиз. Бу сўзнинг кўпинча тор маънода (1-мисолдаги каби) ишлатиши бизни чалғитмаслиги керак. Бу чизиқ билан боғлик бўлган геометрик тасаввурлар бир қанча натижаларни ойдинлаштиришга, баъзи ҳолларда эса бу натижаларни олдиндан кўра билишга ёрдам беради.

Агар чизиқли фазо таърифида қатнашаётган $\lambda,\mu,\ldots$ сонлар хақиқий бўлса, у ҳолда фазо *хақиқий чизиқли фазо* дейилади.

Биз $\lambda,\mu,\ldots$ ларни ихтиёрий F майдон элементлари деб умумийроқ фараз этишимиз мумкин. Бу ҳолда V фазо *F майдондаги чизиқли фазо* дейилади. Қуйида баён этиладиган тушунча ва теоремаларнинг кўпчилиги ихтиёрий майдондаги чизиқли фазалар учун ҳам бевосита тўғри бўлади.

2. Афин координаталар системаси.

Бундан кейин векторларнинг чизиқли боғлиқлиги ва чизиқли эрклилиги деган тушунчалар муҳим аҳамиятга эга бўлади.

2-таъриф. V–чизиқли фазо бўлсин. Агар камида биттаси нолдан фарқ қиладиган α, $\beta,\gamma,\ldots,\theta$ сонлар мавжуд бўлиб, $\alpha x+\beta y+\gamma z+\ldots+\theta v=0$ (1) тенглик ўринли бўлса, бу ҳолда $x,y,z,\ldots,v$ векторлар чизиқли боғлиқ векторлар дейилади.

Чизиқли боғлиқ бўлмаган векторлар чизиқли эркли векторлар дейилади. Бошқача қилиб айтганда, $\alpha x+\beta y+\gamma z+\ldots+\theta v=0$ тенглик $\alpha=\beta=\gamma=\ldots=\theta=0$ бўлган ҳолдагина ўринли бўлса, $x,y,z,\ldots,v$ векторлар чизиқли эркли векторлар дейилади. $x,y,z,\ldots,v$ векторлар чизиқли боғлиқ, яъни улар (1) муносабат билан боғланган бўлсин ва ундаги коэффициентлардан камида биттаси, масалан, α нолдан фарқли деб фараз қилайлик. Бу ҳолда $\alpha x=-\beta y-\gamma z-\ldots-\theta v$ бўлади. Буни энди α га бўлиб ва деб фараз қилиб, $-\frac{\beta}{\alpha}=\lambda,\ -\frac{\gamma}{\alpha}=\mu,\ldots,-\frac{\theta}{\alpha}=\varsigma$ тенгликни ҳосил қиламиз. $x=\lambda y+\mu z+\ldots+\varsigma v$ Агар x вектор $y,z,\ldots,v$ векторлар орқали (2) кўринишдаги тенглик билан ифода этилса, у ҳолда биз x вектор $y,z,\ldots,v$ векторларнинг чизиқли комбинацияси деб атаймиз.

Шундай қилиб, агар $x,y,z,\ldots,v$ векторлар чизиқли боғлиқ бўлса, у ҳолда улардан камида биттаси қолганларининг чизиқли комбинациясидан иборат бўлади. Тескарисини, яъни биттаси қолганларининг чизиқли комбинациясидан иборат бўлганвекторлар чизиқли боғлик векторлар бўлишининг ҳам тўғрилигини кўрсатиш мумкин.

Энди фазонинг ўлчамлар сони (ўлчамлиги) тушунчасини киритишга ўтамиз.

Тўғри чизиқдаги векторлар тўпламида ҳар қандай иккита вектор пропорционал, яъни чизиқли боғлиқдир. Текисликда иккита чизиқли эркли векторни топиш мумкин, аммо ундаги ҳар қандай учта вектор чизиқли боғлиқдир.

Агар V – уч ўлчамли фазодаги векторлар тўплами бўлса, у ҳолда V да учта чизиқли эркли векторни топиш мумкин, аммо бундаги ҳар қандай тўртта вектор чизиқли боғлиқ бўлади.

Биз кўрамизки, тўғри чизиқ, текислик ва уч ўлчамли фазодаги чизиқли эркли векторларнинг максимал сони геометриядаги тўғри чизиқ, текислик ҳамда фазонинг ўлчами сонига тўғри келади. Шунинг учун қуйидаги умумий таърифни қабул қилишимиз табиий.

2-МАВЗУ: ЕВКЛИД ФАЗОСИ.

РЕЖА:

1. Евклид фазосида чизиқ ва сиртлар.
2. Сирт дифференциал геометрияси.
3. Сирт ички геометрияси. Сирт ташқи геометрияси.

Таянч иборалар*:* Евклид фазоси,Ортогонал ва ортонормал системалар.

Е-ҳақиқий сонлар устида вектор фазо бўлиб, унда қандайдир қонун ёки қоида бўйича $\forall$ 2 векторнинг скаляр кўпайтириш деб аталувчи (x,y) сон аниқланган бўлиб, бу 4 та

1. $\forall x, y \in E$ учун $(x,y)=(y,x)$

2.$\forall x,y,z\in E$ учун $(x+y,z)=(x,z)+(y,z)$

3.$\forall x\in E$, $\forall\lambda\in R$, $(\lambda x,y)=\lambda(x,y)$

4. $\forall x\neq 0$ $(x\text{-}x)>0$ $(x,x)=0 \Leftrightarrow x=\theta$

шартларни қаноатлантирса, у ҳолда бундай вектор фазони Евклид фазоси дейилади.

Масалан: $E = R^3; \quad x = (x_1, x_2, x_3), \quad y = (y_1, y_2, y_3)$

$$(x, y) = (x_1 \cdot y_1 + x_2 \cdot y_2 + x_3 \cdot y_3) \qquad (1)$$

1) $(x,y)=(y,x)$

2) $(x + y, z) = (x_1 + y_1) \cdot z_1 + (x_2 + y_2) \cdot z_2 + (x_3 + y_3) \cdot z_3 =$

$= (x_1z_1 + x_2z_2 + x_3z_3) + (y_1z_1 + y_2z_2 + y_3z_3) = (x, z) + (y, z)$

3) $(\lambda x, y) \overset{(1)}{=} \lambda x_1y_1 + \lambda x_2y_2 + \lambda x_3y_3 = \lambda(x_1y_1 + x_2y_2 + x_3y_3) = \lambda(x, y)$

4) $(x, x) = x_1^2 + x_2^2 + x_3^2 \geq 0$

Теорема: Евлид фазосида қуйидаги Коши-Буняковский тенгсизлиги ўринли.

$$(x, y)^2 \leq (x, x)(y, y) \qquad (2)$$

Исбот. $\forall\lambda \in R, \quad \forall x \cdot y \in E, \quad (\lambda x - y, \lambda x - y) > 0$

$(\lambda x\text{-}y, \lambda x)+(\lambda x\text{-}y,\text{-}y)>0$

$(\lambda x, \lambda x)+(\text{-}y, \lambda x)+(\lambda x_1\text{-}y)+(\text{-}y_1\text{-}y)\geq 0$

$\lambda^2(x,x)\text{-} \lambda(y,x)\text{-} \lambda(x,y)+(y_1y)>0$

$\lambda^2(x,x)\text{-}2\lambda(x,y)+(y,y)\geq 0$

λ - нисбатан квадратик учхад *(x,x)≥0* бўлгани учун

$$b^2 - ac \le 0 \quad a = (x,x) \quad b = -(x,y), \quad c = (y,y)$$

$$(x,y)^2 \le (x,x)(y,y)$$

$$(x,y) = x_1 y_1 + ... + x_n y_n = \sum_{k=1}^{n} x_k y_k$$

$$\left(\sum_{k=1}^{n} x_k y_k \right)^2 \le \sum_{k=1}^{n} x_k^2 \ \sum_{k=1}^{n} y_k^2$$

$$|(x,y)| \le \sqrt{(x,x)} \cdot \sqrt{(y,y)} \qquad (3)$$

Таъриф $\sqrt{(x,x)}$ скаляр кўпайтмадан чиққан *x* ни $\| x \| = \sqrt{(x,x)}$,

$\| x \| - x$ элементнинг нормаси.

1. $\| x \| \ge 0$

2. $\| \lambda x \| = \| \lambda \| \| x \|$ $\quad \| \lambda x \| = \sqrt{(\lambda x, \lambda x)} = \sqrt{\lambda^2 (x,x)} = | \lambda | + \sqrt{(x,x)} = | \lambda | \| x |$

3. $\| x + y \| < \| x \| + \| y \|$

$$| x + y |^2 = (x+y, x+y) = (x+y, x) + (x+y, y) =$$

$$= (x,x) + (y,x) + (y,x) + (y,y) = (x,x) + 2(x,y) + (y,y) =$$

$$\| x \|^2 + 2 \| x \| \cdot \| y \| + \| y \|^2 = (\| x \| + \| y \|)^2$$

$$\| x + y \|^2 \le (\| x \| + \| y \|)^2$$

$\| x \| = \sqrt{x_1^2 + ... + x_n^2}$ *x* - элемент (вектори)

Таъриф. Норма аниқланган *E* фазони нормаллашган фазо дейилади.

$(E, \| \cdot \|)$ - нормалашган.

Таъриф. *(x,y)=0* бўлса, ортогонал дейилади, яъни *x⊥y*

$$|(x,y)| \le \sqrt{(x,x)} \cdot \sqrt{(y,y)} \Rightarrow \frac{|(x,y)|}{\| x \| \cdot \| y \|} \le 1.$$

Таъриф. $\cos \varphi = \dfrac{(x,y)}{\| x \| \cdot \| y \|}$.

Теорема: Агар *(x,y)=0* бўлса, $\varphi = \dfrac{\pi}{2}$ бўлади ва аксинча $\dfrac{\pi}{2}$ бўлса *(x,y)=0*.

Таъриф. Ушбу $e_1, e_2, ..., e_n$ векторлар системаси берилган . Агар $(e_i, e_j) = 0 \quad i \ne j$ бўлса берилган системани артогонал векторлар системаси дейилади.

Таъриф. $e_1, e_2, \ldots, e_n$ векторлар системаси ортогонал системани ташкил этади,агар узунликлари 1 га тенг бўлса, ортогонал бўлса

$$(e_i, e_j) = \begin{cases} 0, & i \neq j \\ 1, & i = j \end{cases}$$

Теорема: $e_1, \ldots, e_n$ ўрта нормал система чизиқли боғланмаган $\lambda_1 e_1 + \ldots + \lambda_n e_n = 0$, $\lambda_1 = \lambda_2 = \ldots = \lambda_n = 0$

$$(ek_1 \lambda e_1 + \ldots + \lambda_n e_n) = (e_k, 0) = 0$$

$$\lambda_1 (e_k, e_1) + \lambda_2 (e_k, e_2) + \ldots + \lambda_n (e_k, e_n) = 0$$

$$\lambda_k' (e_k e_k) = 0 \quad \lambda_k = 0 \quad k = \overline{1,0}$$

Теорема: E^n фазода $e_1, \ldots, e_n$ ўрта нормал базисни ташкил этса $\Rightarrow (x,y) = x_1 y_1 + \ldots + x_n y_n$ бўлади ҳақиқатдан ҳам

$$x = x_1 e_1 + \ldots + x_n e_n \qquad y = y_1 e_1 + \ldots + y_n e_n$$

$$(x, y) = \left(\sum_{i=1}^{n} x_i e_i, \quad \sum_{j=1}^{n} y_j e_j \right) = \sum_{i=1}^{n} \sum_{j=1}^{n} x_j y_j (e_{i, e_j}) =$$

$$= \sum_{i=1}^{n} x_i y_i = x_1 y_1 + \ldots + x_n y_n$$

Агар E да ўрта нормал базис бўлса, $e_1, \ldots, e_n$ $(x, e_k) = x_k$.

Теорема. Агар E^n да $f_1, \ldots, f_n \forall$ базис бўлса

$$(x, y) = \sum_{i,j=1}^{n} x_i y_j (f_i, f_j) = < (f_i, f_j) = a_{ij} > = \sum_{i,j=1}^{n} a_{ij} x_i y_j$$

бўлади.

Айтайлик E Евклид фазо бўлиб, $f_1, \ldots, f_n$ (1) ундаги $\forall$ базис бўлсин. бизнинг мақсадимиз E да аниқланган (1) ни ортогонал базис сўнгра эса ортонормал базисга айлантириш мумкинлигини кўриб чиқамиз. Ушбу жараённи алгебра ва сонлар назариясида ортогоналлаш жараёни дейилади.

У куйидагича

$$n = 1, \quad f_1 \quad f_1 \neq 0 \quad e_1 = \frac{f_1}{\sqrt{(f_1, f_2)}}$$

$$n = 2 \quad f_1 \ f_2; \quad e_1 = \frac{f_1}{\sqrt{(f_1, f_2)}}; \quad q_2 = f_2 \neq \lambda f_1 \quad (q_R, e_1 = 0)$$

$$e_2 = \frac{q_2}{\sqrt{(q_1 q_2)}} \qquad (f_2 + \lambda f_1, e_1) = 0 \qquad \lambda = \frac{(f_2 f_1)}{(f_1 e_1)} f$$

$$(f_2 e_1) + (f_1 e_1) = 0$$

Фаразқилайлик. $b_1,\dots,b_n$ (1) $b_1,\dots,b_m$, $c_{m+1},\dots,c_n$ (2)

$$(b_{m+1}, b_i) = 0(4) \qquad (i = \overline{1,m})$$

$$(c_{m+1} + \lambda_1 b_1 + \dots + \lambda_m b_m; b_i) = 0 \qquad (i = \overline{1,m})$$

$$(c_{m+1}, b_i) + \lambda_i (b_i, b_i) + \dots + \lambda_i (b_i, b_i) + \dots + \lambda_m (b_m, b_i) = 0$$

$$(c_{m+1}, b_i) + \lambda_i (b_i, b_i) = 0 \quad b_i \neq 0 \quad (b_i, b_i) \neq 0$$

$$\lambda_i = -\frac{(c_{m+1} b_i)}{(b_i, b_i)} \qquad (5)$$

(5) бажарилса, $\Rightarrow$ (4) тенглик ўринли бўлади ва натижада $b_1, b_2, \dots, b_m, b_{m+1}$ $m+1=n$ бўлса ортогоналлаш жараёни тугайди.

Агарда $m+1<n$ бўлса, мулохазани такрорлаймиз.

$$b_{m+2} = c_{m-2} + \lambda_1' b_1 + \dots + \lambda_{m+1}' b_{m+1} \qquad (6)$$

каби ажратиб, $(b_{m+2}, b_j)=0$ (8) $j = \overline{1,m}$.

$$\lambda' = -\frac{(c_{m+2}, b_j)}{(b_j, b_j)} \qquad (7)$$

Шундай қилиб, $b_1,\dots,b_m,\dots,b_{m+1}$, b_{m+2} (7) ортогонал теоремани қурамиз. $m+2=n$.

Шундай қилиб E фараз ортогонал жараён кетма-кет қўллаб $b_1,\dots,b_n$ (8) ортогонал базисга эга бўламиз.

$$e_1 = \frac{b_1}{|b_1|} \dots e_n = \frac{b_n}{|b_n|} \qquad (9)$$

$$(e_i, e_j) = \left(\frac{b_i}{|b_i|}, \frac{b_i}{|b_j|} \right) = \frac{(b_i, b_j)}{|b_j| \cdot |b_i|} = \begin{cases} 0 & i \neq j \\ 1 & i = j \end{cases} \qquad (b_i, b_j) = (b_j)^2$$

1-теорема. E_n ўлчовли фазо бўлиб, (8) ортогонал чизиқли боғланмаган векторлар системаси чизиқли эркли

$$x = x_1 e_1 + \dots + x_n e_n$$

$$\lambda_1 e_1 + \dots + \lambda_n e_n = 0 \qquad \lambda_i = 0 \quad i = \overline{1,n}$$

$$e_k (1 \leq k < n) \quad (e_k;\ \lambda_1 e_1 + \lambda_2 e_2 + \dots + \lambda_n e_n) = (e_k, \theta) = 0$$

$$\lambda_1(e_1,e_k)+\lambda_2(e_2,e_k)+...+\lambda_k(e_k,e_k)+...+\lambda_n(e_k,e_n)=0$$

$$\lambda_e(e_k,e_k)=0 \quad (e_k,e_k)=1 \qquad \lambda_k=0 \quad k=\overline{1,n}$$

2-теорема: *E* ўлчовли Евклид фазоси $(e_1,...,e_n)$ ортогонал базис бўлсин. $\Rightarrow x_k=(x_1e_k)$

$$(x,e_k)=(x_1e_1+...+x_ne_n,e_k)=x_1(e,e_k)+...+x_k(e_k,e_2)+...+$$

$$+x_n(e_n,e_2)=x_k(e_k,e_k)=x_k\cdot 1=x_k$$

Таъриф. *E* фазо $R_1\subset E, \quad R_2\subset E$ бўлсин $R_2=\{y:\forall x\in R;\ \ (y,x)=0\}$

Теорема: *R₂,E* аниқланган скаляр кўпайтмага нисбатан қисм фазо бўлади.

$$\forall y_1y_2\in R_2 \quad y_1-y_2\in R_2$$

$$\forall x\in R_1 \quad (y,x)=0 \quad (y_2,x)=0$$

$$(y_1-y_2;x)=(y_1,x)-(y_2;x)=0-0=0$$

$$y_1-y_2\in R_2$$

2) $\forall\lambda\in R,\ \ \forall y\in R_2 \quad (xy,x)=\lambda \quad (y,x)=\lambda,\ 0=0 \quad \lambda y\in R_2$

Таъриф. R_2-*E* нинг қисм фазосини R_1 қисм фазога ортогонал қисм фазо дейилади.

$$E=R_1(+)\ R_2 \quad \dim\ E=n \qquad \dim R_1=k \quad \dim\ R_2=n-k$$

$e_1...e_n$ (1) $\Rightarrow$ бундаги базисни $(q_1...,q_{n-k})$ (2) билан белгилайлик.

Ортогоналлаш жараёнига кўра (2) билан (1) ни ортогонал базисга келтириш мумкин.

$$x=\underbrace{x_1e_1+...+x_ne_k}_{x'(\in)x''}+...+x_ne_n-$$

$$x'=x_1e_1+...+x_ke_k=R_1$$

$$x''=(kx+1)\cdot x_{k+1}e_n+...+x_ke_n=R_2$$

Масалан:

1 x x^2 (1)

$$\lambda_1\cdot 1+\lambda_2\cdot x+\lambda_3\cdot x^2=0=0+0x+0x^2$$

$$\lambda_1=0,\ \ \lambda_2=0,\ \ \lambda_3=0 \quad q_1=1 \qquad q_2=q_1+\lambda_1x \qquad (q_2q_1)=0$$

$$q_2=1+(-2)x=1-2x \qquad q_3=x^2+\lambda_1q_1+\lambda_2q_2$$

$$(1+\lambda_1x_11)=\int_0^1(1+\lambda x)dx\neq 0$$

$$\left(x+\lambda,\frac{x^2}{2}\right)\Big|_0^1=0 \quad 1+\frac{1}{2}\lambda_1=0 \qquad \lambda_1=-2$$

$$q_2=1+(-2)x=1-2x$$

$$q_3=x^2+\lambda_1q_1+\lambda_2q_2 \qquad (q_3,q_1)=(x^2+\lambda_1+\lambda_2(1-2x)\cdot 1)=0$$

$$(x^2+\lambda_1+\lambda_2(1-2x)\cdot 1-2x)=0$$

$$(x^2,1)+(\lambda_1,1)+\lambda_2(1-2x,1)=0$$

$$\int_0^1 x^2dx+\int_0^1 dx+\lambda_2\int_0^1(1-2x)dx=\frac{x^3}{3}\Big|_0^1+\lambda_1 x\Big|_0^1-\frac{\lambda_2}{2}\frac{(1-2x)}{2}\Big|_0^1$$

Бундан $\lambda_1=-\dfrac{1}{3}$ топамиз:

$$(x^2,1-2x)+\left(-\frac{1}{3};\ 1-2x\right)+\lambda_2(1-2x,2x)=0$$

$$\int x^2(1-2x)dx-\frac{1}{3}\int(1-2x)dx+\lambda_2\int_0^1(1-2x)dx=0$$

$$\frac{x^3}{3}\Big|_0^1-2\frac{x^4}{4}\Big|_0^1-\frac{1}{3}x\Big|_0^1+\frac{2}{3}\frac{x^2}{2}\Big|_0^1-\frac{\lambda_0}{2}\frac{(1-2x)}{3}\Big|_0^1=0$$

$$-\frac{1}{6}+\frac{\lambda_2}{3}=0\quad \lambda_2=\frac{1}{2}\quad q_3=x^2-\frac{1}{3}+\frac{1}{2}(1-2x)=x^2-x+\frac{1}{6}$$

$1;1-2x;\ \ x^2-x+\dfrac{1}{6}$ ортогонал векторлар системаси

$$e_1=1\quad e_2=\frac{1-2x}{\sqrt{(1-2x)(1-2x)}},\quad e_3=\frac{x^2-x+\frac{1}{6}}{\sqrt{\left(x^2-x+\frac{1}{6}\right)\left(x^2-x+\frac{1}{6}\right)}}$$

$$(1-2x,1-2x)=\int_0^1(1-2x)^2dx=-\frac{1}{2}\quad\frac{(1-2x)^3}{3}\Big|_0^1=\frac{1}{3}$$

$$e_2=\frac{1-2x}{\sqrt{\frac{1}{3}}}=\sqrt{3}(1-2x)$$

$$\left(x^2-x+\frac{1}{6},x^2-x+\frac{1}{6}\right)=\int_0^1\left(x^2-x+\frac{1}{6}\right)^2dx=$$

$$=\left(\frac{x^5}{5}+\frac{x^2}{3}+\frac{1}{36}x-2\frac{x^4}{4}+\frac{x^3}{9}-\frac{x^2}{6}\right)\Big|_0^1=\frac{1}{180}$$

$e_3=\sqrt{180}\ \ \left(x^2-x+\dfrac{1}{6}\right)$ $\ e_1,e_2,e_3-$ ортогонал базис.

3-мавзу: ПСЕВДОЕВКЛИД ФАЗО.

РЕЖА:

1. Сферик фазо.
2. Риман геометрияси.

Таянч иборалар: *Псевдоевклид фазо, Псевдоевклид фазода масофа*

Маълумки, Евклид фазосида координаталар бошидан ихтиёрий М нуқтагача бўлган масофа

$$OM^2=x^2+y^2+z^2 \qquad (1)$$

формула билан аниқланар эди. Энди шу формулани ўзгартириб, масофани $OM^2=x^2+y^2-z^2$ бўйича топишни кўриб чиқайлик.

ОМ масофа $x^2+y^2>z^2$ бўлганда ҳақиқий мусбат сон, $x^2+y^2<z^2$ бўлганда эса мавхум сонни аниқлайди. $x^2+y^2=z^2$ бўлганда эса масофа 0га тенг бўлади (М нуқта 0 билан устма-уст тушмаса хам).

Бу формулани координаталар кўринишда қуйидагича ёзиш мумкин:

$$M_1M^2{}_2=(x_2-x_1)^2+(y_2-y_1)^2-(z_2-z_1)^2$$

OM_1 ва OM_2 кесмалар орасидаги бурчакни эса

$$\cos\varphi=\frac{x_1x_2+y_1y_2-z_1z_2}{\sqrt{x_1^2+y_1^2-z_1^2}\sqrt{x_2^2+y_2^2-z_2^2}}$$

Узунлик ва бурчаклар шу формулалар асосида аниқланган фазолар ***псевдоевклид фазолар*** деб аталади. Бу фазода Евклид фазосининг кўпгина аксиома ва хоссалари сақланиши билан бир қаторда айрим муносабатлар кескин фарқ қилади.

Псевдоевклид фазода масофани юқоридагича аниқланишидан кўринадики, унда уч хил тўғри чизиқлар бўлиши мумкин: барча кесмалари мусбат ҳақиқий узунликка эга тўғри чизиқлар; мавхум узунликдаги кесмаларга эга бўлган тўғри чизиқлар ва барча кесмалари 0 узунликка эга бўлган тўғри чизиқлар. Бу тўғри чизиқларни фазовий ўхшаш, вақтли ўхшаш ва изотроп тўғри чизиқлар деб юритилади.

Псевдоевклид фазодаги бу типдаги тўғри чизиқларни чизмадаги кўриниши қуйидагича бўлади:





Юқоридаги формуладан OM=0 шартни қаноатлантирадиган барча M нуқталар $x^2+y^2-z^2=0$ тенглама билан аниқланадиган текисликда ётади.

Бу эса учи 0 нуқтада жойлашган конус сиртни ифодалайди.

Кўриниб турибдики, ҳақиқий узунликдаги тўғри чизиқлар конусдан ташқарида, мавхумлари ичида ва 0 га тенглари эса конус сиртда ётади.



4-МАВЗУ: ГИПЕРБОЛИК ФАЗО

РЕЖА:

1. Ярим Евклид фазолар.
2. Ярим гиперболик фазолар.

Таянч иборалар: эллиптик фазо, гиперболик фазо

n ўлчовли эллиптик фазо деб, R_{n+1} фазонинг сферасидаги диаметриал қарама-қарши бўлган нуқталар тўпламига айтилади (изометрик жуфт).

Бу фазони S_n билан белгиланади.

S_n фазони ноевклид Риман фазо деб ҳам аталади.

R_{n+1} фазо сфераларига уринмалар R_n фазони ташкил этганлигидан, чексиз кичик орлиқларда $S_п$ геометрияси $R_п$ фазо геометриясига яқин бўлади.

$S_п$ фазонинг m ўлчовли текислиги S_m фазони ташкил этади.

Эллиптик фазода масофа масаласи қандай ўрнатилган?

Агар $S_п$ фазонинг X нуқтасини ифодаловчи векторлардан бири $\bar{x}$, иккинчиси ҳам $\bar{x}$ бўлса, у ъолда бу векторлар $\bar{x}^2 = \bar{p}$ муносабат билан боьланган бўлади.

$\bar{x}$ билан аниқланган $S_п$ фазонинг X нуқтасини X($\bar{x}$) билан боғланади.

Бунда, S–S_{Norton}фазодаги X($\bar{x}$) ва У() нуқталар орасидаги масофа, p эса эгрилик радиусидир.

$S_п$ фазо координаталари сифатида R_{n+1} фазонинг $\bar{x}$ векторининг x^2 координаталарини қараш мумкин.

Энди гиперболик фазонинг вектор аксиомаси асосида қурилишини кўриб чиқайлик

Гиперболик фазони таърифлаш учун $E_п$афин фазонинг I+IV группа аксиомаларидан ташқари қуйидаги V группа аксиомалари бажарилиши керак:

V.1^0. Ҳар иккита $\bar{a}$ ва $\bar{b}$ векторларнинг скаляр кўпайтмаси деб аталувчи К=$\bar{a}$ E$\bar{b}$ сон мос қуйилган бўлсин.

V.2^0. Скаляр кўпайтма коммутатив, яони $\bar{a}$ E$\bar{b}$ =$\bar{b}$ E$\bar{a}$

V.3^0. Скаляр кўпайтма векторларни қўшишга нисбатан дистрибутив яъни$\bar{a}$ E($\bar{b}$ +$\bar{c}$)=$\bar{a}$ E$\bar{b}$ +$\bar{a}$ E$\bar{c}$

V.4^0. Ҳақиқий кўпайтувчини скаляр кўпайтма ташқарисига чиқариш мумкин:(k$\bar{a}$)E$\bar{b}$ =k $\bar{a}$ E$\bar{b}$

V.5^0. Шундай $\bar{a}_i$ кўринишдаги i та векторлар мавжудки, улар учун

$$\bar{a}_a E \bar{a}_a > 0 \qquad (a \leq l)$$

$$\bar{a}_n E \bar{a}_n < 0 \qquad (u > l), \ \bar{a}_i E \bar{b}_j, \ i \neq j$$

Бундай шартлар асосида қурилган l индексли псевдоевклид фазони R_n кўринишда белгилаймиз.

1. Бизга маълумки F(x,y)=0 тенглама текисликда бирор тўғри чизиқни аниқлайди, яъни OXУ текисликдаги координаталари x ва y бўлган барча нуқталар тўплами бу тенгламани қаноатлантиради. Шунингдек, фазода хам F(x,y,z)=0 (1)

Тенглама OXУZ да бирор сиртни, яони координаталари x,y,z бўлган ва (1) тенгламани қаноатлантирадиган нуқталар тўпламини аниқлайди. (1) тенглама сиртнинг тенгламаси, x,y,z лар эса унинг ўзгарувчи координаталари дейилади.

Иккинчи тартибли сиртнинг умумий тенгламаси қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$a_1+x^2+a_{22}y^2+a_{33}z^2+2a_2xy+2a_{13}xz+2a_{23}yz+2a_{14}x+2a_{24}y+2a_{34}z+a_{44}=0 \quad .$$

бу тенгламадаги $a_1,a_{22},a_{33},a_2,a_{13},a_{23}$ коэффициентларнинг камида биттаси нолдан фарқли бўлиши керак. Айрим ҳолларда сирт тенгламаси билан эмас, балки у ёки бу хоссага эга бўлган нуқталарнинг геометрик ўрни билан берилиши мумкин. бу ҳолда сиртнинг геометрик хоссаларидан фойдаланиб унинг тенгламаси тузилади.

13^0. Сферанинг OXYZ тўғри бурчакли Декарт координаталар системасидаги тенгламасини тузамиз.

Маркази 0'(a,b,c) нуқтада ва радиуси R бўлган сфера берилган бўлсин. Агар μ(x,y,z) нуқта сферанинг ихтиёрий нуқтаси бўлса, у ҳолда 0'(a,b,c) ва μ(x,y,z) нуқталар орасидаги масофани тоипш формуласидан фойдалансак, сфера тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$(x-a)^2+(y-b)^2+(z-c)^2=R^2 \qquad (1)$$

(*13*)–маркази 0'(a,b,c) бўлган нуқтада ётувчи ва радиуси R га тенг бўлган сфера тенгламаси дейилади. Агар (*13*) да a=b=c=0 бўлса, маркази координаталар бошида ётувчи ва радиуси R га тенг бўлган сфера тенгламасига эга бўламиз:

$$x^2+y^2+z^2=R^2 \qquad (2)$$

(*13*) ни қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$x^2+y^2+z^2-2ax-2by-2cz+a^2+b^2+c^2-R^2=0 \qquad (3)$$

Сфератенгламасииккинчитартиблисиртбўлишиникўрсатайлик. Бунинг учун сиртнинг (2) тенгламасида $a_2=a_{13}=a_{23}=0$ ва $a_1=a_{22}=a_{33}$ деб олинса, (2) тенглама сферанинг тенгламаси эканини текширамиз. Бунинг учун $a_1\neq0$ деб (4) нинг ҳамма ҳадларини a_1 га бўламиз ва қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$A=\frac{2a_{14}}{a_{11}},B=\frac{2a_{24}}{a_{11}},C=\frac{2a_{34}}{a_{11}},D=\frac{a_{44}}{aa_{11}}$$

Натижада

$$x^2+y^2+z_2+Ax+By+Cz+D=0$$

кўринишдаги тенгламага эга бўламиз. Охирги тенгламани ушбу кўринишда ёзиб оламиз

$$\left(x+\frac{A}{2}\right)^2+\left(y+\frac{B}{2}\right)^2+\left(z+\frac{C}{2}\right)^2=\frac{1}{4}\left(A^2+B^2+C^2-4D\right)$$

Ёки $\left(x+\frac{A}{2}\right)^2+\left(y+\frac{B}{2}\right)^2+\left(z+\frac{C}{2}\right)^2=\left(\frac{1}{2}\sqrt{A^2+B^2+C^2-4D}\right)^2$ (5)

(5) тенгламадан кўринадики, $A^2+B^2+C^2-4D>0$ бўлганда (4) тенглама маонога эга бўлади. Демак, $A^2+B^2+C^2-4D>0$ бўлса, (5) тенглама маркази

$$\left(-\frac{A}{2},-\frac{B}{2},-\frac{C}{2}\right)$$

нуқтада ва радиуси

$$R=\frac{1}{2}\sqrt{A^2+B^2+C^2-4D}$$

бўлган сферани ифодалайди. Агар $A^2+B^2+C^2-4D=0$ бўлса, (5) тенглама

$$\left(x+\frac{A}{2}\right)^2+\left(y+\frac{B}{2}\right)^2+\left(z+\frac{C}{2}\right)^2=0$$

кўринишда бўлиб, у фақат битта $\left(-\frac{A}{2},-\frac{B}{2},-\frac{C}{2}\right)$ нуқтани ифодалайди.

2^0. Бирор П текисликда ётувчи L чизиқнинг ҳар бир нуқтасидан ўтувчи ва берилган l тўғри чизиққа параллел бўлган барча тўғри чизиқлардан ташкил топган сирт ***цилиндрик сирт*** дейилади. бунда L чизиқ цилиндрик сиртнинг йўналтирувчиси, l тўғри чизиққа параллел ва L чизиқни кесувчи чизиқлар унинг ясовчиси дейилади (1–чизма).



Йўналтирувчилари координата текисликларидан бирида ётувчи ясовчилари эса шу текисликка перпендикуляр бўлиб, координаталар ўқига параллел бўлган цилиндрик сиртларни кўрайлик.

OX текисликда тенгламаси F(x,y)=0 (6)

бўлган L чизиқ ва ясовчилари OZ ўққа параллел бўлган цилиндрик сиртни ясаймиз (2–чизма). (6) тенглама OXYZ координаталар системасида цилиндрик сирт эканини кўрсатайлик.



M(x,y,z) –цилиндрик сиртнинг ихтиёрий тайинланган нуқтаси бўлсин. M нуқта орқали ўтувчи ясовчининг L йўналтирувчиси билан кесишган нуқтасини N билан белгилаймиз. N нуқта M нуқтанинг OXУ текислигидаги проекциясидир. Шунинг учун M ва N нуқталар битта x абцисса ва битта у ординатага эга. N нуқта L чизиқда ётгани учун у эгри чизиқнинг (6) тенгламасини қаноатлантиради.

Демак, бу тенгламани M(x,y,z) нуқтанинг координаталари ҳам қаноатлантиради. OXYZ фазода L йўналтирувчи қуйидаги иккита тенглама системаси билан аниқланади:

$$\begin{cases} F(x,y)=0 \\ Z=0 \end{cases}$$

Худди шунга ўхшаш

$$\begin{cases} F(x,z)=0 \\ y=0 \end{cases} \text{ ва } \begin{cases} F(y,z)=0 \\ x=0 \end{cases}$$

тенгламалар цилиндрик сиртларнинг L йўналтирувчи чизиқларини мос равишда OXZ ва OУZ текисликдаги ҳолатини аниқлашни кўрсатиш мумкин.

Хусусий ҳолларда цилиндрик сиртларнинг йўналтирувчилари эллипс, гипербола, парабола, иккита кесишувчи тўғри чизиқ, иккита ўзаро параллел (устма-уст тушмаган) тўғри чизиқлардан иборат бўлиши мумкин.

Бундай сиртларни мос равишда эллиптик цилиндр, параболик цилиндр, гиперболик цилиндр, иккита кесишувчи текислик, иккита параллел текислик деб юритилади ва уларнинг тенгламалари қуйидаги кўринишда бўлади:

Эллиптик цилиндр: $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}=1$ (3-чизма)

Гиперболик цилиндр: $\frac{x^2}{a^2}-\frac{y^2}{b^2}=1$ (4-чизма)

Параболик цилиндр: $y^2=-2px$ (5-чизма)

Икки кесишувчи текислик: $\frac{x^2}{a^2}-\frac{y^2}{b^2}=0$ (6-чизма)

Икки параллел текислик: $x^2-a^2=0$ $(a\neq 0)$ (7-чизма)



1^0. Бирор Q текисликда L иккинчи тартибли чизиқ ва бў текисликка тегишли бўлмаган M_0 нуқта берилган бўлсин.

Таъриф. Фазодаги M_0 нуқтадан ўтиб, L ни кесиб ўтувчи барча тўғри чизиқлар тўплами иккинчи тартибли конус сирт (ёки конус) дейилади. M_0 нуқта конус учи, L чизиқ конус йўналтирувчиси, конусни ҳосил қилувчи чизиқлар эса унинг ясовчилари дейилади.

Конус ясовчилари бўлган тўғри чизиқлар маркази конус ичида бўлган тўғри чизиқлар боғламига тегишли бўлади. конус тенгламасини келтириб чиқарайлик. Q текислик ва ундаги L чизиқ OXY текисликда ётган бўлсин. $M_0(x_0,y_0,z_0)$ нуқта эса OXY текисликдаги ётмаган ихтиёрий нуқта бўлсин. конуснинг ихтиёрий M(x,y,z) нуқтасини олайлик, у ҳолда M_0M тўғри чизиқ конуснинг ясовчиси бўлиб, L чизиқ билан $M(x_1,y_1,z_1)$ нуқтада кесишади. M_0,M_1,M нуқталар бир тўғри чизиқда ётгани учун $\overrightarrow{M_0M_1} = \lambda\overrightarrow{M_0M}$ тенглик ўринли.

Бу тенгликдан

$$x_1 - x_0 = \lambda(x - x_0) \Rightarrow x_1 = x_0 + \lambda(x_0 - x_0)$$

$$y_1 - y_0 = \lambda(y - y_0) \Rightarrow y_1 = y_0 + \lambda(y_0 - y_0)$$

$$z_1 - z_0 = \lambda(z - z_0) \Rightarrow z_1 = z_0 + \lambda(z_0 - z_0)$$

Охирги тенгликдан λ ни топиб, олдинги икки тенгликка қўямиз:

$$x_1 = x_0 + \frac{x - x_0}{z_0 - z} z_0, \quad y_1 = y_0 + \frac{z - z_0}{z_0 - z} z_0 \qquad (7)$$

$$M_1 \in L \quad \Rightarrow \quad F(x_1, y_1) = 0$$

ёки

$$F\left(\frac{x - x_0}{z_0 - z} z_0,\ y_0 + \frac{z - z_0}{z_0 - z} z_0\right) = 0 \qquad (8)$$

(8) ифода конус тенгламаси дейилади. Иккинчи тенглама конуснинг Декарт координаталар системасидаги энг содда тенгламаси

$$\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} - \frac{z^2}{c^2} = 0$$

$$\frac{x^2}{a^2} - \frac{y^2}{b^2} + \frac{z^2}{c^2} = 0 \qquad (9)$$

$$-\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}+\frac{z^2}{c^2}=0$$

кўринишда бўлади.

2^0. Q текисликда бирор L чизиқ ва *l* тўғри чизиқ берилган бўлсин.

III.Амалий машғулот материаллари

1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУ:ЧИЗИҚЛИ ФАЗО

1-таъриф. Агар қуйидаги шартлар бажарилса, x,y,z,... элементларнинг V тўплами чизиқли (афин) фазо дейилади:

а) хар икки x ва y элементларга x ва y элементлар йиғиндиси деб аталадиган z элемент мос қилиб қўйилган; x ва y элементларнинг йиғиндиси $x+y$ билан белгиланади;

б) бирор майдоннинг ҳар бир x элементи ва ҳар бир λсон билан x элемент кўпайтмаси деб аталган λx элемент мос қилиб қўйилган.

Бу амаллар қуйидаги талабларни (аксиомаларни) қаноатлантириши керак.

1^0.$x+y=y+x$ (коммутативлик),

2^0.$(x+y)+z=x+(y+z)$(ассоциативлик),

3^0.Хар қандай x учун шундай 0 элемент мавжудки, x+0=x бўлади. 0 элемент ноль элемент дейилади.

4^0.Хар қандайх учун –x билан белгиланадиган шундай элемент мавжудки, x+(-x)=0 бўлади.

1^0 .$1 \cdot x=x$,

2^0 $\alpha(\beta x) = \alpha\beta(x)$.

3^0 $(\alpha+\beta)x = \alpha x + \beta x$,

4^0 $\alpha(x + y) = \alpha x + \alpha x$.

Биз қўшиш ҳамда сонга кўпайтириш амалларини қандай таърифланиши ҳақида гапирмаганимиз бежиз эмас. Биз бу амалларни фақат юқорида таърифланган аксиомаларга буйсунишларини талаб қиламиз ҳолос. Шунинг учунҳар қачон юқорида қайд қилинган шартларни қаноатлантирувчи амаллар билан иш кўрар эканмиз, биз уларни қўшиш ва сонга кўпайтириш амаллари деб, элементлари устида бу амаллар бажарилган тўпламни эса чизиқли фазо деб хисоблашга ҳақлимиз. Юқорида келтирилган 1-3 мисоллар бу аксиомаларгабўйсунади.

Яна бир мисол кўриб чиқайлик;

1.Даражаси натурал n сондан ошмайдиган ва одатдагича қўшиш ва бирор сонга кўпайтириш амаллари бажариладиган ҳамма кўпхадлар тўплами чизиқли фазо ҳосил қилади.

Ёлғиз n-даражали кўпхадлар тўплами чизиқли фазо ташкил қилмайди, чунки n-даражали икки кўпхад йиғиндиси n дан пастроқ бўлиб чиқиши ҳам мумкин;масалан,

$$(t^n+t) + (-t^n+t) = 2t\ .$$

Чизиқли фазо элементларини биз *векторлар* деб атаймиз. Бу сўзнинг кўпинча тор маънода (1-мисолдаги каби) ишлатиши бизни чалғитмаслиги керак. Бу чизиқ билан боғлик бўлган геометрик тасаввурлар бир қанча натижаларни ойдинлаштиришга, баъзи ҳолларда эса бу натижаларни олдиндан кўра билишга ёрдам беради.

Агар чизиқли фазо таърифида қатнашаётган $\lambda,\mu,\ldots$сонлар хақиқий бўлса, у ҳолда фазо *хақиқий чизиқли фазо* дейилади. Биз$\lambda,\mu,\ldots$ ларни ихтиёрий F майдон элементлари деб умумийроқ фараз этишимиз мумкин. Бу ҳолда V фазо *F майдондаги чизиқли фазо* дейилади. Қуйида баён этиладиган тушунча ва теоремаларнинг кўпчилиги ихтиёрий майдондаги чизиқли фазалар учун ҳам бевосита тўғри бўлади.

2. Афин координаталар системаси.

Бундан кейин векторларнинг чизиқли боғлиқлиги ва чизиқли эрклилиги деган тушунчалар муҳим аҳамиятга эга бўлади.

2-таъриф. V–чизиқли фазо бўлсин. Агар камида биттаси нолдан

фарқ қиладиган $\alpha, \beta, \gamma, ..., \theta$ сонлар мавжуд бўлиб, $\alpha x+\beta y+\gamma z+...+\theta v=0$ (1) тенглик ўринли бўлса, бу ҳолда $x,y,z,...,v$ векторлар чизиқли боғлиқ векторлар дейилади. Чизиқли боғлиқ бўлмаган векторлар чизиқли эркли векторлар дейилади. Бошқача қилиб айтганда, $\alpha x+\beta y+\gamma z+...+\theta v=0$ тенглик $\alpha=\beta=\gamma=...=\theta=0$ бўлган ҳолдагина ўринли бўлса, $x,y,z,...,v$ векторлар чизиқли эркли векторлар дейилади.

$x,y,z,...,v$ векторлар чизиқли боғлиқ, яъни улар (1) муносабат билан боғланган бўлсин ва ундаги коэффициентлардан камида биттаси, масалан, α нолдан фарқли деб фараз қилайлик. Бу ҳолда

$$\alpha x=-\beta y-\gamma z-...-\theta v$$

бўлади. Буни энди α га бўлиб ва деб фараз қилиб, $-\frac{\beta}{\alpha}=\lambda, -\frac{\gamma}{\alpha}=\mu, ..., -\frac{\theta}{\alpha}=\varsigma$

тенгликни ҳосил қиламиз. $x=\lambda y+\mu z+...+\varsigma v$

Агар x вектор $y,z,...,v$ векторлар орқали (2) кўринишдаги тенглик билан ифода этилса, у ҳолда биз x вектор $y,z,...,v$ векторларнинг чизиқли комбинацияси деб атаймиз.

Шундай қилиб, агар $x,y,z,...,v$ векторлар чизиқли боғлиқ бўлса, у ҳолда улардан камида биттаси қолганларининг чизиқли комбинациясидан иборат бўлади. Тескарисини, яъни биттаси қолганларининг чизиқли комбинациясидан иборат бўлганвекторлар чизиқли боғлик векторлар бўлишининг ҳам тўғрилигини кўрсатиш мумкин.

Энди фазонинг ўлчамлар сони (ўлчамлиги) тушунчасини киритишга ўтамиз.

Тўғри чизиқдаги векторлар тўпламида ҳар қандай иккита вектор пропорционал, яъни чизиқли боғлиқдир. Текисликда иккита чизиқли эркли векторни топиш мумкин, аммо ундаги ҳар қандай учта вектор чизиқлибоғлиқдир.

Агар V – уч ўлчамли фазодаги векторлар тўплами бўлса, у ҳолда V да учта чизиқли эркли векторни топиш мумкин, аммо бундаги ҳар қандай тўртта вектор чизиқли боғлиқ бўлади.

Биз кўрамизки, тўғри чизиқ, текислик ва уч ўлчамли фазодаги чизиқли эркли векторларнинг максимал сони геометриядаги тўғри чизиқ, текислик ҳамда фазонинг ўлчами сонига тўғри келади. Шунинг учун қуйидаги умумий таърифни қабул қилишимиз табиий.

3-таъриф. Агар V чизиқли фазода n та чизиқли эркли вектор мавжуд бўлиб, бундан ортиқ чизиқли эркли векторлар бўлмаса, V фазо n ўлчамли фазо дейилади ва dimV деб белгиланади.

Агар V фазода чексиз кўп чизиқли эркли векторлар топиш мумкин бўлса, у ҳолда V фазо *чексиз ўлчамли* фазо дейилади.

Чексиз ўлчамли фазолар математиканинг махсус бўлимларида текширилади. Биз бу курсда фақат чекли ўлчамли фазолар билан шуғулланамиз.

2-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУ: ЕВКЛИД ФАЗОСИ.

Е-ҳақиқий сонлар устида вектор фазо бўлиб, унда қандайдир қонун ёки қоида бўйича $\forall$ 2 векторнинг скаляр кўпайтириш деб аталувчи (x,y) сон аниқланган бўлиб, бу 4 та

1. $\forall x, y \in E$ учун $(x,y)=(y,x)$

2.$\forall x,y,z\in E$ учун $(x+y,z)=(x,z)+(y,z)$

3.$\forall x\in E$, $\forall\lambda\in R$, $(\lambda x,y)=\lambda(x,y)$

4. $\forall x\neq 0$ $(x\text{-}x)>0$ $(x,x)=0 \Leftrightarrow x=\theta$

шартларни қаноатлантирса, у ҳолда бундай вектор фазони Евклид фазоси дейилади.

Масалан: $E = R^3; \quad x = (x_1, x_2, x_3), \quad y = (y_1, y_2, y_3)$

$$(x, y) = (x_1 \cdot y_1 + x_2 \cdot y_2 + x_3 \cdot y_3) \qquad (1)$$

3) $(x,y)=(y,x)$

4) $(x + y, z) = (x_1 + y_1)\cdot z_1 + (x_2 + y_2)\cdot z_2 + (x_3 + y_3)\cdot z_3 =$

$= (x_1z_1 + x_2z_2 + x_3z_3) + (y_1z_1 + y_2z_2 + y_3z_3) = (x, z) + (y, z)$

3) $(\lambda x, y) \overset{(1)}{=} \lambda x_1y_1 + \lambda x_2y_2 + \lambda x_3y_3 = \lambda(x_1y_1 + x_2y_2 + x_3y_3) = \lambda(x, y)$

4) $(x, x) = x_1^2 + x_2^2 + x_3^2 \geq 0$

Теорема: Евлид фазосида қуйидаги Коши-Буняковский тенгсизлиги ўринли.

$$(x, y)^2 \leq (x, x)(y, y) \qquad (2)$$

Исбот. $\forall\lambda \in R, \quad \forall x \cdot y \in E, \quad (\lambda x - y, \lambda x - y) > 0$

$(\lambda x\text{-}y, \lambda x)+(\lambda x\text{-}y,\text{-}y)>0$

$(\lambda x, \lambda x)+(\text{-}y, \lambda x)+(\lambda x_1\text{-}y)+(\text{-}y_1\text{-}y)\geq 0$

$\lambda^2(x,x)\text{-} \lambda(y,x)\text{-} \lambda(x,y)+(y_1y)>0$

$\lambda^2(x,x)\text{-}2\lambda(x,y)+(y,y)\geq 0$

λ - нисбатан квадратик учхад $(x,x)\geq 0$ бўлгани учун

$b^2 - ac \leq 0 \quad a = (x, x) \quad b = -(x, y), \quad c = (y, y)$

$(x, y)^2 \leq (x, x)(y, y)$

$(x, y) = x_1y_1 + ... + x_ny_n = \sum_{k=1}^{n} x_k y_k$

$\left(\sum_{k=1}^{n} x_k y_k\right)^2 \leq \sum_{k=1}^{n} x_k^2 \sum_{k=1}^{n} y_k^2$

$$|(x, y)| \leq \sqrt{(x, x)} \cdot \sqrt{(y, y)} \qquad (3)$$

Таъриф $\sqrt{(x, x)}$ скаляр кўпайтмадан чиққан x ни $\| x \| = \sqrt{(x, x)}$,

$\| x \| - x$ элементнинг нормаси.

1. $\| x \| \geq 0$

2. $\| \lambda x \| = \| \lambda \| \| x \|$ $\quad \| \lambda x \| = \sqrt{(\lambda x, \lambda x)} = \sqrt{\lambda^2 (x,x)} = | \lambda | + \sqrt{(x,x)} = | \lambda \| | x |$

3. $\| x + y \| < \| x \| + \| y \|$

$$| x + y |^2 = (x+y, x+y) = (x+y, x) + (x+y, y) =$$

$$= (x,x) + (y,x) + (y,x) + (y,y) = (x,x) + 2(x,y) + (y,y) =$$

$$\| x \|^2 + 2 \| x \| \cdot \| y \| + \| y \|^2 = (\| x \| + \| y \|)^2$$

$$\| x + y \|^2 \le (\| x \| + \| y \|)^2$$

$\| x \| = \sqrt{x_1^2 + ... + x_n^2}$ x - элемент (вектори)

Таъриф. Норма аниқланган E фазони нормаллашган фазо дейилади.

$(E, \| \cdot \|)$ - нормалашган.

Таъриф. $(x,y)=0$ бўлса, ортогонал дейилади, яъни $x \perp y$

$$| (x,y) | \le \sqrt{(x,x)} \cdot \sqrt{(y,y)} \Rightarrow \frac{| (x,y) |}{\| x \| \cdot \| y \|} \le 1.$$

Таъриф. $\cos \varphi = \dfrac{(x,y)}{\| x \| \cdot \| y \|}$.

Теорема: Агар $(x,y)=0$ бўлса, $\varphi = \dfrac{\pi}{2}$ бўлади ва аксинча $\dfrac{\pi}{2}$ бўлса $(x,y)=0$.

Таъриф. Ушбу $e_1, e_2, \dots, e_n$ векторлар системаси берилган . Агар $(e_i, e_j)=0$ $i \neq j$ бўлса берилган системани артогонал векторлар системаси дейилади.

Таъриф. $e_1, e_2, \dots, e_n$ векторлар системаси ортогонал системани ташкил этади,агар узунликлари 1 га тенг бўлса, ортогонал бўлса

$$(e_i, e_j) = \begin{cases} 0, & i \neq j \\ 1, & i = j \end{cases}$$

Теорема: $e_1, \dots, e_n$ ўрта нормал система чизиқли боғланмаган $\lambda_1 e_1 + \dots + \lambda_n e_n = 0$, $\lambda_1 = \lambda_2 = \dots = \lambda_n = 0$

$$(ek_1 \lambda e_1 + \dots + \lambda_n e_n) = (e_k, 0) = 0$$

$$\lambda_1 (e_k, e_1) + \lambda_2 (e_k, e_2) + \dots + \lambda_n (e_k, e_n) = 0$$

$$\lambda_k' (e_k e_k) = 0 \qquad \lambda_k = 0 \qquad k = \overline{1,0}$$

Теорема: E^n фазода $e_1,\ldots,e_n$ ўрта нормал базисни ташкил этса $\Rightarrow(x,y)=x_1y_1+\ldots+x_ny_n$ бўлади ҳақиқатдан ҳам

$$x=x_1e_1+\ldots+x_ne_n \qquad\qquad y=y_1e_1+\ldots+y_ne_n$$

$$(x,y)=\left(\sum_{i=1}^{n}x_ie_i,\qquad \sum_{j=1}^{n}y_je_j\right)=\sum_{i=1}^{n}\sum_{j=1}^{n}x_jy_j(e_{i,e_j})=$$

$$=\sum_{i=1}^{n}x_iy_i=x_1y_1+\ldots+x_ny_n$$

Агар E да ўрта нормал базис бўлса, $e_1,\ldots,e_n$ $(x,e_k)=x_k$.

Теорема. Агар E^n да $f_1,\ldots,f_n\forall$ базис бўлса

$$(x,y)=\sum_{i,j=1}^{n}x_iy_j(f_i,f_j)=<(f_i,f_j)=a_{ij}>=\sum_{i,j=1}^{n}a_{ij}x_iy_j$$

бўлади.

Айтайлик E Евклид фазо бўлиб, $f_1,\ldots,f_n$ (1) ундаги $\forall$ базис бўлсин. бизнинг мақсадимиз E да аниқланган (1) ни ортогонал базис сўнгра эса ортонормал базисга айлантириш мумкинлигини кўриб чиқамиз. Ушбу жараённи алгебра ва сонлар назариясида ортогоналлаш жараёни дейилади.

У куйидагича

$$n=1,\quad f_1\qquad f_1\neq0\qquad e_1=\frac{f_1}{\sqrt{(f_1,f_2)}}$$

$$n=2\qquad f_1\ f_2;\quad e_1=\frac{f_1}{\sqrt{(f_1,f_2)}};\quad q_2=f_2\neq\lambda f_1\qquad(q_R,e_1=0)$$

$$e_2=\frac{q_2}{\sqrt{(q_1q_2)}}\qquad (f_2+\lambda f_1,e_1)=0\qquad \lambda=\frac{(f_2f_1)}{(f_1e_1)}f$$

$$(f_2e_1)+(f_1e_1)=0$$

Фаразқилайлик. $b_1,\ldots,b_n$ (1) $b_1,\ldots.,b_m,\ c_{m+1},\ldots,c_n$ (2)

$$(b_{m+1},b_i)=0(4)\qquad (i=\overline{1,m})$$

$$(c_{m+1}+\lambda_1b_1+\ldots+\lambda_mb_m;b_i)=0\qquad(i=\overline{1,m})$$

$$(c_{m+1},b_i)+\lambda_i(b_i,b_i)+\ldots+\lambda_i(b_i,b_i)+\ldots+\lambda_m(b_m,b_i)=0$$

$$(c_{m+1},b_i)+\lambda_i(b_i,b_i)=0\quad b_i\neq0\quad (b_i,b_i)\neq0$$

$$\lambda_i=-\frac{(c_{m+1}b_i)}{(b_i,b_i)}\qquad (5)$$

(5) бажарилса, $\Rightarrow$ (4) тенгликўринлибўладиванатижада$b_1, b_2, \ldots, b_m, b_{m+1}$ (6) $m+1=n$бўлсаортогоналлашжараёнитугайди.

Агарда $m+1<n$ бўлса, мулохазани такрорлаймиз.

$$b_{m+2} = c_{m-2} + \lambda_1^{'} b_1 + \ldots + \lambda_{m+1}^{'} b_{m+1} \qquad (6)$$

каби ажратиб, $(b_{m+2}, b_j)=0$ (8) $j=\overline{1,m}$.

$$\lambda' = -\frac{(c_{m+2}, b_j)}{(b_j, b_j)} \qquad (7)$$

Шундай қилиб, $b_1, \ldots, b_m, \ldots, b_{m+1}, b_{m+2}$ (7) ортогонал теоремани қурамиз. $m+2=n$.

Шундай қилиб E ғараз ортогонал жараён кетма-кет қўллаб $b_1, \ldots, b_n$ (8) ортогонал базисга эга бўламиз.

$$e_1 = \frac{b_1}{|b_1|} \ldots e_n = \frac{b_n}{|b_n|} \qquad (9)$$

$$(e_i, e_j) = \left(\frac{b_i}{|b_i|}, \frac{b_i}{|b_j|} \right) = \frac{(b_i, b_j)}{|b_j| \cdot |b_i|} = \begin{cases} 0 & i \neq j \\ 1 & i = j \end{cases} \quad (b_i, b_j) = (b_j)^2$$

1-теорема. E_n ўлчовли фазо бўлиб, (8) ортогонал чизиқли боғланмаган векторлар системаси чизиқли эркли

$$x = x_1 e_1 + \ldots + x_n e_n$$

$$\lambda_1 e_1 + \ldots + \lambda_n e_n = 0 \qquad \lambda_i = 0 \quad i = \overline{1,n}$$

$$e_k (1 \leq k < n) \quad (e_k;\ \lambda_1 e_1 + \lambda_2 e_2 + \ldots + \lambda_n e_n) = (e_k, \theta) = 0$$

$$\lambda_1 (e_1, e_k) + \lambda_2 (e_2, e_k) + \ldots + \lambda_k (e_k, e_k) + \ldots + \lambda_n (e_k, e_n) = 0$$

$$\lambda_e (e_k, e_k) = 0 \quad (e_k, e_k) = 1 \qquad \lambda_k = 0 \quad k = \overline{1,n}$$

2-теорема: E ўлчовли Евклид фазоси $(e_1, \ldots, e_n)$ ортогонал базис бўлсин. $\Rightarrow x_k = (x_1 e_k)$

$$(x, e_k) = (x_1 e_1 + \ldots + x_n e_n, e_k) = x_1 (e, e_k) + \ldots + x_k (e_k, e_2) + \ldots +$$

$$+ x_n (e_n, e_2) = x_k (e_k, e_k) = x_k \cdot 1 = x_k$$

Таъриф. E фазо $R_1 \subset E, \quad R_2 \subset E$ бўлсин $R_2 = \{y : \forall x \in R;\ (y, x) = 0\}$

Теорема: R_2, E аниқланган скаляр кўпайтмага нисбатан қисм фазо бўлади.

$$\forall y_1 y_2 \in R_2 \quad y_1 - y_2 \in R_2$$
$$\forall x \in R_1 \quad (y,x)=0 \quad (y_2,x)=0$$
$$(y_1-y_2;x)=(y_1,x)-(y_2;x)=0-0=0$$
$$y_1-y_2 \in R_2$$

2) $\forall \lambda \in R, \quad \forall y \in R_2 \quad (xy,x)=\lambda \quad (y,x)=\lambda, \; 0=0 \quad \lambda y \in R_2$

Таъриф. R_2-E нинг қисм фазосини R_1 қисм фазога ортогонал қисм фазо дейилади.

$$E=R_1(+)\; R_2 \quad \dim\; E=n \quad \dim R_1 = k \quad \dim\; R_2 = n-k$$

$e_1 ... e_n \quad (1) \quad \Rightarrow$ бундаги базисни $(q_1 ..., q_{n-k})$ (2) билан белгилайлик.

Ортогоналлаш жараёнига кўра (2) билан (1) ни ортогонал базисга келтириш мумкин.

$$x = \underbrace{x_1 e_1 + ... + x_n e_k}_{x'(\in)x''} + ... + x_n e_n -$$

$$x' = x_1 e_1 + ... + x_k e_k = R_1$$
$$x'' = (kx+1)\cdot x_{k+1} e_n + ... + x_k e_n = R_2$$

Масалан:

2 x x^2 (1)

$$\lambda_1 \cdot 1 + \lambda_2 \cdot x + \lambda_3 \cdot x^2 = 0 = 0 + 0x + 0x^2$$

$$\lambda_1 = 0, \quad \lambda_2 = 0, \quad \lambda_3 = 0 \quad q_1 = 1 \quad q_2 = q_1 + \lambda_1 x \quad (q_2 q_1) = 0$$

$$q_2 = 1 + (-2)x = 1 - 2x \quad q_3 = x^2 + \lambda_1 q_1 + \lambda_2 q_2$$

$$(1+\lambda_1 x_1 1) = \int_0^1 (1+\lambda x)dx \neq 0$$

$$\left(x + \lambda, \frac{x^2}{2}\right)\Big|_0^1 = 0 \quad 1 + \frac{1}{2}\lambda_1 = 0 \quad \lambda_1 = -2$$

$$q_2 = 1 + (-2)x = 1 - 2x$$
$$q_3 = x^2 + \lambda_1 q_1 + \lambda_2 q_2 \quad (q_3, q_1) = (x^2 + \lambda_1 + \lambda_2 (1-2x)\cdot 1) = 0$$
$$(x^2 + \lambda_1 + \lambda_2(1-2x)\cdot 1 - 2x) = 0$$
$$(x^2,1) + (\lambda_1,1) + \lambda_2(1-2x,1) = 0$$

$$\int_0^1 x^2 dx + \int_0^1 dx + \lambda_2 \int_0^1 (1-2x)dx = \frac{x^3}{3}\Big|_0^1 + \lambda_1 x\Big|_0^1 - \frac{\lambda_2}{2}\,\frac{(1-2x)}{2}\Big|_0^1$$

Бундан $\lambda_1 = -\dfrac{1}{3}$ топамиз:

$$(x^2, 1-2x) + \left(-\frac{1}{3};\ 1-2x\right) + \lambda_2(1-2x, 2x) = 0$$

$$\int x^2(1-2x)dx - \frac{1}{3}\int(1-2x)dx + \lambda_2\int_0^1(1-2x)dx = 0$$

$$\frac{x^3}{3}\Big|_0^1 - 2\frac{x^4}{4}\Big|_0^1 - \frac{1}{3}x\Big|_0^1 + \frac{2}{3}\frac{x^2}{2}\Big|_0^1 - \frac{\lambda_0}{2}\frac{(1-2x)}{3}\Big|_0^1 = 0$$

$$-\frac{1}{6} + \frac{\lambda_2}{3} = 0 \quad \lambda_2 = \frac{1}{2} \quad q_3 = x^2 - \frac{1}{3} + \frac{1}{2}(1-2x) = x^2 - x + \frac{1}{6}$$

$1; 1-2x;\ x^2 - x + \frac{1}{6}$ ортогонал векторлар системаси

$$e_1 = 1 \quad e_2 = \frac{1-2x}{\sqrt{(1-2x)(1-2x)}}, \quad e_3 = \frac{x^2 - x + \frac{1}{6}}{\sqrt{\left(x^2 - x + \frac{1}{6}\right)\left(x^2 - x + \frac{1}{6}\right)}}$$

$$(1-2x, 1-2x) = \int_0^1 (1-2x)^2 dx = -\frac{1}{2} \quad \frac{(1-2x)^3}{3}\Big|_0^1 = \frac{1}{3}$$

$$e_2 = \frac{1-2x}{\sqrt{\frac{1}{3}}} = \sqrt{3}(1-2x)$$

$$\left(x^2 - x + \frac{1}{6}, x^2 - x + \frac{1}{6}\right) = \int_0^1\left(x^2 - x + \frac{1}{6}\right)^2 dx =$$

$$= \left(\frac{x^5}{5} + \frac{x^2}{3} + \frac{1}{36}x - 2\frac{x^4}{4} + \frac{x^3}{9} - \frac{x^2}{6}\right)\Big|_0^1 = \frac{1}{180}$$

$e_3 = \sqrt{180}\ \left(x^2 - x + \frac{1}{6}\right)$ $e_1, e_2, e_3 -$ ортогонал базис.

3-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУ: ПСЕВДОЕВКЛИД ФАЗО.

Маълумки, Евклид фазосида координаталар бошидан ихтиёрий M нуқтагача бўлган масофа

$$OM^2=x^2+y^2+z^2 \qquad (1)$$

формула билан аниқланар эди. Энди шу формулани ўзгартириб, масофани $OM^2=x^2+y^2-z^2$ бўйича топишни кўриб чиқайлик.

OM масофа $x^2+y^2>z^2$ бўлганда ҳақиқий мусбат сон, $x^2+y^2<z^2$ бўлганда эса мавхум сонни аниқлайди. $x^2+y^2=z^2$ бўлганда эса масофа 0га тенг бўлади (M нуқта 0 билан устма-уст тушмаса хам).

Бу формулани координаталар кўринишда қуйидагича ёзиш мумкин:

$$M_1M^2{}_2=(x_2-x_1)^2+(y_2-y_1)^2-(z_2-z_1)^2$$

OM_1 ва OM_2 кесмалар орасидаги бурчакни эса

$$\cos\varphi=\frac{x_1x_2+y_1y_2-z_1z_2}{\sqrt{x_1^2+y_1^2-z_1^2}\sqrt{x_2^2+y_2^2-z_2^2}}$$

Узунлик ва бурчаклар шу формулалар асосида аниқланган фазолар ***псевдоевклид фазолар*** деб аталади. Бу фазода Евклид фазосининг кўпгина аксиома ва хоссалари сақланиши билан бир қаторда айрим муносабатлар кескин фарқ қилади.

Псевдоевклид фазода масофани юқоридагича аниқланишидан кўринадики, унда уч хил тўғри чизиқлар бўлиши мумкин: барча кесмалари мусбат ҳақиқий узунликка эга тўғри чизиқлар; мавхум узунликдаги кесмаларга эга бўлган тўғри чизиқлар ва барча кесмалари 0 узунликка эга бўлган тўғри чизиқлар. Бу тўғри чизиқларни фазовий ўхшаш, вақтли ўхшаш ва изотроп тўғри чизиқлар деб юритилади.


а)
$|z_2 - z_1|$
$O_1(x_1, y_1)$
$O_2(x_2, y_2)$
$\sqrt{(x_2-x_1)^2+(y_2-y_1)}$
$|z_2|$
$|z_1|$
б)
O_1
O_1
$|z_2 - z_1|$

4-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУ: ГИПЕРБОЛИК ФАЗО.

n ўлчовли эллиптик фазо деб, R_{n+1} фазонинг сферасидаги диаметриал қарама-қарши бўлган нуқталар тўпламига айтилади (изометрик жуфт).

Бу фазони S_n билан белгиланади.

S_n фазони ноевклид Риман фазо деб ҳам аталади.

R_{n+1} фазо сфераларига уринмалар R_n фазони ташкил этганлигидан, чексиз кичик орлиқларда $S_п$ геометрияси $R_п$ фазо геометриясига яқин бўлади.

$S_п$ фазонинг m ўлчовли текислиги S_m фазони ташкил этади.

Эллиптик фазода масофа масаласи қандай ўрнатилган?

Агар $S_п$ фазонинг X нуқтасини ифодаловчи векторлардан бири $\bar{x}$, иккинчиси ҳам $\bar{x}$ бўлса, у ъолда бу векторлар $\bar{x}^2 = \bar{p}$ муносабат билан боьланган бўлади.

$\bar{x}$ билан аниқланган $S_п$ фазонинг X нуқтасини X($\bar{x}$) билан боғланади.

Бунда, $S–S_{Norton}$фазодаги X($\bar{x}$) ва У() нуқталар орасидаги масофа, р эса эгрилик радиусидир.

$S_п$ фазо координаталари сифатида R_{n+1} фазонинг $\bar{x}$ векторининг x^2 координаталарини қараш мумкин.

Энди гиперболик фазонинг вектор аксиомаси асосида қурилишини кўриб чиқайлик

Гиперболик фазони таърифлаш учун $E_п$ афин фазонинг I+IV группа аксиомаларидан ташқари қуйидаги V группа аксиомалари бажарилиши керак:

V.1^0. Ҳар иккита $\bar{a}$ ва $\bar{b}$ векторларнинг скаляр кўпайтмаси деб аталувчи К=$\bar{a}$ Е$\bar{b}$ сон мос қуйилган бўлсин.

V.2^0. Скаляр кўпайтма коммутатив, яони $\bar{a}$ Е$\bar{b}$ =$\bar{b}$ Е$\bar{a}$

V.3^0. Скаляр кўпайтма векторларни қўшишга нисбатан дистрибутив яъни$\bar{a}$ Е($\bar{b}$ +$\bar{c}$)=$\bar{a}$ Е$\bar{b}$ +$\bar{a}$ Е$\bar{c}$

V.4^0. Ҳақиқий кўпайтувчини скаляр кўпайтма ташқарисига чиқариш мумкин:(k$\bar{a}$)Е$\bar{b}$ =k $\bar{a}$ Е$\bar{b}$

V.5^0. Шундай $\bar{a}_i$ кўринишдаги і та векторлар мавжудки, улар учун

$\bar{a}_a$Е$\bar{a}_a$>0 (a≤l)

$\bar{a}_n$Е$\bar{a}_n$<0 (u>l), $\bar{a}_i$Е$\bar{b}_j$, i≠j

Бундай шартлар асосида қурилган l индексли псевдоевклид фазони R_n кўринишда белгилаймиз.

1. Бизга маълумки F(x,y)=0 тенглама текисликда бирор тўғри чизиқни аниқлайди, яъни ОХУ текисликдаги координаталари х ва у бўлган барча нуқталар тўплами бу тенгламани қаноатлантиради. Шунингдек, фазода хам

$$F(x,y,z)=0 \qquad (1)$$

Тенглама ОХУZ да бирор сиртни, яони координаталари x,y,z бўлган ва (1) тенгламани қаноатлантирадиган нуқталар тўпламини аниқлайди. (1) тенглама сиртнинг тенгламаси, x,y,z лар эса унинг ўзгарувчи координаталари дейилади.

Иккинчи тартибли сиртнинг умумий тенгламаси қуйидаги кўринишда ёзилади:

a_1+x^2+a_{22}y^2+a_{33}z^2+2$a_2$xy+2a_{13}xz+2a_{23}yz +2a_{14}x+2a_{24}y+2a_{34}z+a_{44}=0 .

бу тенгламадаги $a_1,a_{22},a_{33},a_2,a_{13},a_{23}$ коэффициентларнинг камида биттаси нолдан фарқли бўлиши керак. Айрим ҳолларда сирт тенгламаси билан эмас, балки у ёки бу хоссага эга бўлган нуқталарнинг геометрик ўрни билан берилиши мумкин. бу ҳолда сиртнинг геометрик хоссаларидан фойдаланиб унинг тенгламаси тузилади.

13^0. Сферанинг OXYZ тўғри бурчакли Декарт координаталар системасидаги тенгламасини тузамиз.

Маркази 0'(a,b,c) нуқтада ва радиуси R бўлган сфера берилган бўлсин. Агар μ(x,y,z) нуқта сферанинг ихтиёрий нуқтаси бўлса, у ҳолда 0'(a,b,c) ва μ(x,y,z) нуқталар орасидаги масофани тоипш формуласидан фойдалансак, сфера тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$(x-a)^2+(y-b)^2+(z-c)^2=R^2 \qquad (1)$$

(*13*)–маркази 0'(a,b,c) бўлган нуқтада ётувчи ва радиуси R га тенг бўлган сфера тенгламаси дейилади. Агар (*13*) да a=b=c=0 бўлса, маркази координаталар бошида ётувчи ва радиуси R га тенг бўлган сфера тенгламасига эга бўламиз:

$$x^2+y^2+z^2=R^2 \qquad (2)$$

(*13*) ни қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$x^2+y^2+z^2-2ax-2by-2cz+a^2+b^2+c^2-R^2=0 \qquad (3)$$

Сфератенгламасииккинчитартиблисиртбўлишиникўрсатайлик. Бунинг учун сиртнинг (2) тенгламасида $a_2=a_{13}=a_{23}=0$ ва $a_1=a_{22}=a_{33}$ деб олинса, (2) тенглама сферанинг тенгламаси эканини текширамиз. Бунинг учун $a_1\neq 0$ деб (4) нинг ҳамма ҳадларини a_1 га бўламиз ва қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$A=\frac{2a_{14}}{a_{11}},B=\frac{2a_{24}}{a_{11}},C=\frac{2a_{34}}{a_{11}},D=\frac{a_{44}}{aa_{11}}$$

Натижада $x^2+y^2+z_2+Ax+By+Cz+D=0$ кўринишдаги тенгламага эга бўламиз. Охирги тенгламани ушбу кўринишда ёзиб оламиз

$$\left(x+\frac{A}{2}\right)^2+\left(y+\frac{B}{2}\right)^2+\left(z+\frac{C}{2}\right)^2=\frac{1}{4}\left(A^2+B^2+C^2-4D\right)$$

ёки

$$\left(x+\frac{A}{2}\right)^2+\left(y+\frac{B}{2}\right)^2+\left(z+\frac{C}{2}\right)^2=\left(\frac{1}{2}\sqrt{A^2+B^2+C^2-4D}\right)^2 \quad (5)$$

(5) тенгламадан кўринадики, $A^2+B^2+C^2-4D>0$ бўлганда (4) тенглама маонога эга бўлади. Демак, $A^2+B^2+C^2-4D>0$ бўлса, (5) тенглама маркази

$$\left(-\frac{A}{2},-\frac{B}{2},-\frac{C}{2}\right)$$

нуқтада ва радиуси $R=\frac{1}{2}\sqrt{A^2+B^2+C^2-4D}$

бўлган сферани ифодалайди. Агар $A^2+B^2+C^2-4D=0$ бўлса, (5) тенглама

$$\left(x+\frac{A}{2}\right)^2+\left(y+\frac{B}{2}\right)^2+\left(z+\frac{C}{2}\right)^2=0$$

кўринишда бўлиб, у фақат битта $\left(-\frac{A}{2},-\frac{B}{2},-\frac{C}{2}\right)$ нуқтани ифодалайди.

2^0. Бирор П текисликда ётувчи L чизиқнинг ҳар бир нуқтасидан ўтувчи ва берилган *l* тўғри чизиққа параллел бўлган барча тўғри чизиқлардан ташкил топган сирт ***цилиндрик сирт*** дейилади. бунда L чизиқ цилиндрик сиртнинг йўналтирувчиси, *l* тўғри чизиққа параллел ва L чизиқни кесувчи чизиқлар унинг ясовчиси дейилади (1–чизма).



Йўналтирувчилари координата текисликларидан бирида ётувчи ясовчилари эса шу текисликка перпендикуляр бўлиб, координаталар ўқига параллел бўлган цилиндрик сиртларни кўрайлик.

ОХ текисликда тенгламаси

$$F(x,y)=0 \qquad (6)$$

бўлган L чизиқ ва ясовчилари OZ ўққа параллел бўлган цилиндрик сиртни ясаймиз (2–чизма). (6) тенглама OXYZ координаталар системасида цилиндрик сирт эканини кўрсатайлик.



M(x,y,z) –цилиндрик сиртнинг ихтиёрий тайинланган

нуқтаси бўлсин. M нуқта орқали ўтувчи ясовчининг L йўналтирувчиси билан кесишган нуқтасини N билан белгилаймиз. N нуқта M нуқтанинг ОХУ текислигидаги проекциясидир. Шунинг учун M ва N нуқталар битта x абцисса ва битта y ординатага эга. N нуқта L чизиқда ётгани учун у эгри чизиқнинг (6) тенгламасини қаноатлантиради.

Демак, бу тенгламани M(x,y,z) нуқтанинг координаталари ҳам қаноатлантиради. OXYZ фазода L йўналтирувчи қуйидаги иккита тенглама системаси билан аниқланади:

$$\begin{cases} F(x,y)=0 \\ Z=0 \end{cases}$$

Худди шунга ўхшаш

$$\begin{cases} F(x,z)=0 \\ y=0 \end{cases} \text{ ва } \begin{cases} F(y,z)=0 \\ x=0 \end{cases}$$

тенгламалар цилиндрик сиртларнинг L йўналтирувчи чизиқларини мос равишда OXZ ва OУZ текисликдаги ҳолатини аниқлашни кўрсатиш мумкин.

Хусусий ҳолларда цилиндрик сиртларнинг йўналтирувчилари эллипс, гипербола, парабола, иккита кесишувчи тўғри чизиқ, иккита ўзаро параллел (устма-уст тушмаган) тўғри чизиқлардан иборат бўлиши мумкин. Бундай сиртларни мос равишда эллиптик цилиндр, параболик цилиндр, гиперболик цилиндр, иккита кесишувчи текислик, иккита параллел текислик деб юритилади ва уларнинг тенгламалари қуйидаги кўринишда бўлади:

Эллиптик цилиндр: $\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}=1$ (3-чизма)

Гиперболик цилиндр: $\frac{x^2}{a^2}-\frac{y^2}{b^2}=1$ (4-чизма)

Параболик цилиндр: $y^2=-2px$ (5-чизма)

Икки кесишувчи текислик: $\frac{x^2}{a^2}-\frac{y^2}{b^2}=0$ (6-чизма)

Икки параллел текислик: $x^2-a^2=0$ $(a\neq 0)$ (7-чизма)





3.1^0. Бирор Q текисликда L иккинчи тартибли чизиқ ва бў текисликка тегишли бўлмаган M_0 нуқта берилган бўлсин.

Таъриф. Фазодаги M_0 нуқтадан ўтиб, L ни кесиб ўтувчи барча тўғри чизиқлар тўплами иккинчи тартибли конус сирт (ёки конус) дейилади. M_0 нуқта конус учи, L чизиқ конус йўналтирувчиси, конусни ҳосил қилувчи чизиқлар эса унинг ясовчилари дейилади.

Конус ясовчилари бўлган тўғри чизиқлар маркази конус ичида бўлган тўғри чизиқлар боғламига тегишли бўлади. конус тенгламасини келтириб чиқарайлик. Q текислик ва ундаги L чизиқ OXY текисликда ётган бўлсин. $M_0(x_0,y_0,z_0)$ нуқта эса OXY текисликдаги ётмаган ихтиёрий нуқта бўлсин. конуснинг ихтиёрий $M(x,y,z)$ нуқтасини олайлик, у ҳолда M_0M тўғри чизиқ конуснинг ясовчиси бўлиб, L чизиқ билан $M(x_1,y_1,z_1)$ нуқтада кесишади. M_0,M_1,M нуқталар бир тўғри чизиқда ётгани учун $\overrightarrow{M_0M_1} = \lambda\overrightarrow{M_0M}$ тенглик ўринли. Бу тенгликдан

$$x_1-x_0=\lambda(x-x_0) \Rightarrow x_1=x_0+\lambda(x_0-x_0)$$

$$y_1-y_0=\lambda(y-y_0) \Rightarrow y_1=y_0+\lambda(y_0-y_0)$$

$$z_1-z_0=\lambda(z-z_0) \Rightarrow z_1=z_0+\lambda(z_0-z_0)$$

Охирги тенгликдан λ ни топиб, олдинги икки тенгликка қўямиз:

$$x_1=x_0+\frac{x-x_0}{z_0-z}z_0,\ y_1=y_0+\frac{z-z_0}{z_0-z}z_0 \qquad (7)$$

$$M_1\in L \ \Rightarrow \ F(x_1,y_1)=0$$

ёки

$$F\left(\frac{x-x_0}{z_0-z}z_0,\ y_0+\frac{z-z_0}{z_0-z}z_0\right)=0 \qquad (8)$$

(8) ифода конус тенгламаси дейилади. Иккинчи тенглама конуснинг Декарт координаталар системасидаги энг содда тенгламаси

$$\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}-\frac{z^2}{c^2}=0$$

$$\frac{x^2}{a^2}-\frac{y^2}{b^2}+\frac{z^2}{c^2}=0 \qquad (9)$$

$$-\frac{x^2}{a^2}+\frac{y^2}{b^2}+\frac{z^2}{c^2}=0$$

кўринишда бўлади.

2^0. Q текисликда бирор L чизиқ ва *l* тўғри чизиқ берилган бўлсин.

Таъриф. L чизиқнинг *l* тўғри чизиқ атрофида айланишдан ҳосил бўлган Ф фигура айланма сирт дейилади. бунда L айланма сиртнинг меридиани, *l* айланиш ўқи дейилади.

Айланма сиртнинг тенгламасини келтириб чиқарайлик.

Декарт координаталар системасини шундай танлаймизки, бунда Q–(OYZ) текислик, *l*–(OZ) ўқ ҳамда L:F(x,z)=0 бўлсин.



L чизиқнинг (OZ) ўқ атрофида айланишидан қандайдир Ф сирт ҳосил бўлсин (9-чизма). M(x,y,z) шу сиртга тегишли ихтиёрий нуқта бўлсин. M нуқтадан OZ ўққа перпендикуляр ўтказсак, кесимда маркази $0\in$(OZ) нуқтада бўлган бирор айлана ҳосил қилинадики, у айлана L чизиқ билан $M_1(0,y_1,z_1)$ нуқтада кесишсин. Кесим айланадан иборат бўлгани учун:

$$\rho(0,M)=\rho(0,M_1) \qquad (10)$$

Бу масофалар икки нуқта орасидаги масофани топиш формуласига кўра қуйидагича бўлади:

$$\rho(0,M)=\sqrt{(x-0)^2+(y-0)^2+(z-z)^2}=\sqrt{x^2+y^2}$$

$$\rho(0,M_1)=\sqrt{(0-0)^2+(y_1-0)^2+(z-z)^2}=\sqrt{y_1^2}=|y_1|.$$

Бу қийматларни (*10*) тенгликка қўямиз:

$$|y_1|=\sqrt{x^2+y^2}\Rightarrow y_1=\pm\sqrt{x^2+y^2}$$

$M\in L$ бўлгани учун:

$$F\left(\pm\sqrt{x^2+y^2},z\right)=0 \qquad (11)$$

(11) тенглама L чизиқни 0Z ўқ атрофида айлантиришдан ҳосил бўлган сиртнинг тенгламасидир.

Агар L чизиқ мос равишда 0X ва 0У ўқлар атрофида айлантирсак, ҳосил бўлган сиртларнинг тенгламалари мос равишда

$$F\left(x,\ \pm\sqrt{y^2+z^2}\right)=0 \text{ ва } F\left(y,\ \pm\sqrt{x^2+z^2}\right)=0 \qquad (12)$$

кўринишларда бўлади.

Торширик

1.Гиперболик фазоларга мисоллар келтиринг

5-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУ: Иккинчи тартибли сиртлар. Иккинчи тартибли сирт инвариантлари.

1.Сиртлар назарияси. Йўналиш бўйича эгриликлар.

Текисликдаги очиқ доирага гомеоморф тўпламни э*лементар соҳа* деб атаймиз.

1-таъриф. Фазодаги $\hat{O}$ тўплам элементар соҳанинг топологик акслантиришдаги образи бўлса, у элементар сирт деб аталади.

Демак, $\hat{O}$ тўплам элементар сирт бўлса, $f: G \to \hat{O}$ - топологик акслантириш мавжуд бўлиши керак. Бу ерда $G \subset R^2$ елементар соҳа, $\hat{O}$ эса R^3 дан келтирилган топология ёрдамида топологик фазога айлантирилган. Агар $\hat{O}$ элементар сирт бўлса, (f, G) жуфтлик$\hat{O}$ *сиртни параметрлаш усули* дейилади.

Албатта G_1 бошқа элементар соҳа бўлса, G ва G_1 соҳалар ўзаро гомеоморф бўлади ва агар $g: G_1 \to G$ гомеоморфизм берилган бўлса, $f \cdot g: G_1 \to \hat{O}$ гомеоморфизм$\hat{O}$ сиртни параметрлашнинг бошқа усулидир.

Демак, элементар сирт учун чексиз кўп параметрлаш усуллари мавжуддир. Бирорта тўпламнинг элементар сирт эканлигини кўрсатиш учун, унинг учун бирорта параметрлаш усулини кўрсатиш керак.

Агар $\hat{O}$ сирт (f, G) параметрлаш усули билан берилиб, $(u, v) \in G$учун *ф(у,в)* нуқтанинг координаталари $x(u;v), y(u;v), z(u;v)$кўринишда белгилсак

$$\begin{cases} x = x(u,v) \\ y = y(u,v) \\ z = z(u,v) \end{cases} \qquad (1)$$

система $\hat{O}$ сиртнинг *параметрик тенгламалари системаси* дейилади.

2-таъриф. Фазодаги боғланишли $\hat{O}$ тўплам ўзига тегишли ҳар бир нуқтанинг бирорта атрофида элементар сиртга айланса, $\hat{O}$ сода сирт дейилади.

Иккинчи таърифга изоҳ берамиз. Демак, $\hat{O}$ сода сирт бўлши учун унга тегишли ҳар бир $p \in \hat{O}$ нуқта учун шундай$U(p)$ атроф (R^3фазода) мавжуд бўлиб, кесишма$U(p) \cap \hat{O}$ элементар сирт бўлиши керак.

Кейинчалик курс давомида сирт деганда элементар ёки содда сиртни тушунамиз.

Мисоллар.

1) Ҳар қандай текислик элементар сиртдир, чункитекисликдоирагагомеоморфдир.

Агар $M(x_0,\ y_0,\ z_0)$ текисликнуқтаси, $\vec{a}$ ва $\vec{b}$ векторлартекисликкапараллелбўлса, уни

$$\vec{r}=\vec{r}_0+\vec{a}u+\vec{b}v, -\infty<u<+\infty, -\infty<v<\infty$$

кўринишидапараметрлашмумкин. Бу ерда $\vec{r}_0=\{x_0, y_{0,}\ z_0\}$ вектор M нуқтанинг радиус векторидир.

2) элементар G соҳадааниқланган $z=f(x,y)$ – узлуксиз функциянинг графиги элементар сиртдир. Сабаби, $(x,y,f(x,y))\to(x,y)$ – акслантириш (проектсия) гомеоморфизмдир.



Чизма-1

3) Иккиўлчамлисфера S^2 элементарбўлмагансодасиртдир. Радиуси R га тенг S^2 сферанингмарказигакоординаталарбошинижойлаштирсак, уни $S^2=\{(x,y,z)\in R^3: x^2+y^2+z^2=R^2\}$ тўпламсифатидақарашимизмумкин.

Бусферанингсиртэканлигиниисботлашучунунгатегишлибирорта P нуқтаниолайлик. Бу P нуқтаданфарқли S нуқтанижанубийқутбсифатида, унгадиаметрикқарама-қаршибўлган N нуқтанишимолийқутбҳисоблаб, z ўқини координата бошидан N нуқтаорқалиўтказамиз, Oxy текислигиэса O нуқтаданўтувчива ON га перпендикуляр текисликдир. Бутекисликва сфера кесишишиданҳосилбўлганайланани ***экватор***дебатаймиз. Энди u Билан OQ нурва Ox ўқиорасидагибурчакни, v билан OP ва OQ нурлароросидагибурчакнибелгилаймиз. Буерда Q нуқта NPS меридианнинг экватор Биланкесишишнуқтасидир, $0<u<2\pi, -\frac{\pi}{2}<v<\frac{\pi}{2}$. Шунда S^2 сферанинг NS меридиан чиқарибташланганқисми $\phi: P\to(u,v)$ акслантиришёрдамида $[0;2\pi]\times\left[-\frac{\pi}{2};\frac{\pi}{2}\right]$ лементарсоҳагагомеоморфакслантириладива $x=R\cos u\cos v,\ y=R\sin u\cos v,\ z=\sin v$ тенгламаларёрдамидапараметрланади.



Чизма-2

4) Доиравий цилиндрни $x = R\cos u,\ y = R\sin u,\ z = v$ тенгламалар системаси ёрдамида параметрлаш мумкин. Буерда $-\infty < u < +\infty$, $-\infty < v < +\infty$. Албаттасилиндрҳамэлементарсиртэмас (3 -чизма).



3 -чизма

Агар биз $\vec{r}(u,v) = \{x(u;v); y(u;v); z(u;v)\}$ вектор функсияни киритсак (1) тенгламалар системасини битта

$$\vec{r} = \vec{r}(u;v)\ ,\ (u,v) \in G \qquad (2)$$

вектор тенглама ёрдамида ёза оламиз. Бутенглама $\hat{O}$ сиртнинг***вектор кўринишдаги тенгламаси*** дейилади. Табиийки, $\hat{O}$ сирт элементар сирт бўлмаса, (1) ва (2) тенгламалар уни бирорта нуқта атрофида аниқлайди. Агар $\hat{O}$ элементар сирт бўлса, уни тўлиқ (1) ёки (2) тенгламалар ёрдамида аниқлаш мумкин.

2. Сиртнинг ошкормас кўринишда берилиши.

Бизга $G \subset R^3$ очиқ тўплам ва G да аниқланган силлиқ $F(x;y;z)$ функсия берилган бўлсин.

Шунда $\hat{O} = \{(x;y;z) \in G : F(x;y;z) = 0\}$ тўплам F функциянинг ***сатҳ тўплами*** ёки ***сирти*** дейилади. Агар $gradF \neq 0$ бўлса, $\hat{O}$ ҳақиқатдан ҳам содда сирт бўлади. Ҳақиқатдан, агар $p = (x_0; y_0; z_0) \in \hat{O}$ нуқтада $F_z \neq 0$ бўлса, ошкормас функция ҳақидаги теоремага кўра, шундай $\delta > 0, \varepsilon > 0$ сонлари ва $G_0 = \{(x;y) : |x_0 - x| < \delta, |y - y_0| < \delta\}$ соҳада аниқланган $z = f(x;y)$ функция мавжуд бўлиб, $(x;y) \in G_0$ бўлганда $F(x;y, f(x;y)) = 0$ тенглик ва $z_0 = f(x_0;y_0)$, $|z_0 - f(x;y)| < \varepsilon$ муносабатлар бажарилиб,

$$\ddot{I} = \{(x;y;z) : |x_0 - x| < \delta, |y_0 - y| < \delta, |z_0 - z| < \varepsilon\}$$

Параллелипипеднинг$\hat{O}$ Биланкесишмаси $z = f(x;y)$ функциянингграфигиданиборатдир. Демак, $\hat{O}$ ўзигатегишлиҳарқандайнуқтанингетарликичикатрофидаэлементарсиртбўлади.

Бизнингкурсимиздаасосий метод математик анализ бўлганлигиучун, бизсиртлардан қўшимчашартларниталабқиламиз.

